

Агитаторс жамоаси ўз фаолиятини давом эттирмоқда

Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факултети ёшлар кенгаши фаолларидан ташкил топган Агитаторс жамоаси ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Агитаторс жамоасининг навбатдаги манзили Сергели тумани Қўйлиқ 6-мавзесида жойлашган 277 - мактаб бўлди. 277 мактаб битирувчилари билан бўлиб ўтган учрашувда институтимиз талабалари мактаб ўқувчиларига Нуфузли институтимизда талабаларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳамда институтимиз ҳақида батафсил маълумотлар беришди. Учрашув давомида мактаб битирувчилари озини қизиқтирган саволларига жавоб топдилар ва бизнинг институтимизга бўлган қизиқиши янада ортиб келажақда албатта Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси бўламан деган фикрларни билдиришди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати